XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI
QARORI

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2023 - yil 15 - fevral VI-73-21-2-41-K/23 Shofirkon tuman hokimligi

Шофиркон туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларига асосан Халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Туман ҳокимининг туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан ҳокимликни узлуксиз электр-энергия билан таъминлаш мақсадида генератор харид қилиш харажатлари учун 130,0 млн сўм маблағ йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Рахмонов, туман ҳокимлиги молия бўлими (Н.Наимов) билан биргаликда:

мазкур қарорга мувофиқ кўзда тутилган тадбирларни
ўз вақтида молиялаштириш учун туман хокими фармойиши лойиҳасини бир ҳафта муддатда тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш вазифаси топширилсин.

3. Туман бўйича ғазначилик бўлинмаси (Д.Жабборов) ажратиладиган маблағларни белгиланган тартибда “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида мақсадли ишлатилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман

Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Рахмонов зиммаларига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Sessiya raisi **A.A.Obidov**